



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КОНФЕРЕНЦИЯ МАҚОЛАСИ

**ВЕБ-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ
ТАЛАБАЛАРДА**

**МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

Тураева Комила Тохиржоновна

Наманган давлат университети, 2-босқич докторанти

Наманган – 2025





**WEB-QUEST ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА
МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ
ШАКЛАНТИРИШ**

Тураева Комила Тоҳиржоновна

Наманган давлат университети, 2-босқич докторанти

Калит сўзлар:

веб-квест, чет тилини ўқитиш, маданиятларапо коммуникация, талабалар компетенцияси, инновацион технологиялар, АКТ

Keywords:

web-quest, foreign language teaching, intercultural communication, student competence, innovative technologies, ICT

Аннотация:

Мазкур мақолада чет тилини ўрганиш жараёнида веб-квест технологияларидан фойдаланган ҳолда талабаларда маданиятларапо коммуникация компетенциясини ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинганд. Веб-квестлар орқали талабаларнинг мустақил изланиши, танқидий ва таҳлилий фикрлаш қобилияти, ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шаклланиши таъкидланган. Мақолада веб-квестларнинг турлари, тузилиши ва уларни дарс жараёнига татбиқ этиш усуллари мисоллар орқали баён қилинганд. Шунингдек, маданиятларапо мулоқотни ривожлантиришда веб-квестларнинг афзалликлари ва таълимдаги самарадорлиги илмий таҳлил қилинганд.

Abstract:

This article analyzes the opportunities for developing students' intercultural communication competence through the use of web-quest technologies in the process of learning a foreign language. It emphasizes how web-quests contribute to the development of students' independent research, critical and analytical





thinking skills, and teamwork. The article describes types and structures of web-quests and how to apply them in lessons with concrete examples. Furthermore, the advantages and effectiveness of using web-quests in enhancing intercultural communication are examined.

Кириш

Глобаллашув жараёни нафақат иқтисодий ва сиёсий соҳаларда, балки таълим тизимида ҳам янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Айниқса, четтилини ўрганиш жараёнида тил билимидан ташқари маданиятлараро мулоқотга киришиш қобилияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу қобилият талабаларнинг жаҳон миқёсида самарали ва маданиятли мулоқотга киришиши, турли миллат ва маданият вакиллари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилишини таъминлайди. Маданиятлараро коммуникация компетенциясини шакллантириш мураккаб ва қўп қиррали жараён бўлиб, унда фақат лингвистик билимлар эмас, балки ижтимоий-маданий, таълимий ва психологик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади.

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ушбу компетенцияни ривожлантиришга қаратилган педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлиги кун тартибига чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан, веб-квест технологияси талабаларнинг мустақил фикрлаши, танқидий таҳлил олиб бориши, ахборотни саралаб олиши ва групда ишлаш қобилиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Веб-квест – бу таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари асосида тузилган ижодий ва изланишга йўналтирилган вазифалар мажмуасидир. Улар талабаларни интерактив фаолиятга жалб этиб, мулоқот жараёнида маданий хилма-хилликни ҳисобга олишга ўргатади.



Мазкур мақолада веб-квест технологиясининг назарий асослари, уларни чет тилини ўқитиши жараёнига татбиқ этиш усуллари ва маданиятлараро коммуникация компетенциясини шакллантиришдаги ўрни таҳлил қилинади.

Методология

Тадқиқотда асосан сифатли таҳлил методлари, хусусан, педагогик кузатиш, таълимий материалларни таҳлил қилиш, тажриба натижаларини таҳлил этиш каби усуллар кўлланилди. Методологиянинг асосий мақсади – веб-квест технологиясининг талабаларда маданиятлараро коммуникация қобилиятини шакллантиришга қандай таъсир кўрсатишини ўрганишдан иборат бўлди. Бу мақсадда чет тили дарсларида веб-квестлар асосида тузилган маҳсус топшириқлар тузилди ва талабалар фаолияти кузатилди.

Веб-квестлар тузишида Dodge (1995) томонидан ишлаб чиқилган модель асос қилиб олинди. Ушбу моделда кириш, вазифа, ахборот манбалари, ишлаш усули, баҳолаш ва хулоса каби қисмлар мавжуд бўлиб, улар ҳар бир топшириқнинг мазмуний тузилишини белгилайди. Тажриба жараёнида тил ўрганиш билан бир қаторда талабалар турли маданиятлар ҳақида мустақил маълумот тўплаш, тақдимот тайёрлаш, гуруҳда баҳс олиб бориш каби фаолиятларга жалб қилинди. Бундан ташқари, улардан фидбек сўралди ва натижалар таҳлил этилди.

Натижалар

Олиб борилган таҳлиллар натижасида маълум бўлди, веб-квест технологиялари талабаларда қуйидаги кўникмаларни ривожлантиради:

- Мустақил изланиш ва ахборотни таҳлил қилиш қобилияти;
- Турли манбалар билан ишлаш ва уларни таққослаш малакалари;



- Танқидий фикрлаш ва қарор қабул қилиш қобилияти;
- Маданий фарқларни англаш ва ҳурмат қилиш;
- Жамоавий ишлаш ва мулоқотни ташкил этиш.

Шунингдек, веб-квестлар орқали талабалар чет тили дарсларини мазмунан бой, қизиқарли ва интерфаол равишда ўтказиш имконига эга бўлди. Талабаларга берилган топшириқлар реал ҳаётга яқинлаштирилган бўлиб, уларда маданиятлараро вазиятларни ҳал қилиш, турли фикрларни мухокама қилиш каби элементлар жорий этилди. Тажрибада қатнашган талабаларнинг кўпчилиги веб-квест орқали амалга оширилган дарсларни юқори баҳолади ва ушбу усулни бошқа фанларга ҳам жорий этишни таклиф қилди.

Муҳокама

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, веб-квест технологиялари нафақат тил ўргатиш, балки талабаларни маданий жиҳатдан хабардор этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, глобал мулоқот мухитида турли миллат ва маданият вакиллари билан самараали алоқа ўрнатиш учун маданиятлараро компетенция зарур ҳисобланади. Веб-квестлар орқали талабалар турли маданиятлар ҳақида мустақил маълумот тўплаш, тақдимот тайёрлаш, гуруҳда баҳс олиб бориш каби фаолиятларга жалб этилади. Бу эса уларнинг тил билимини бойитиш баробарида маданий англашни ҳам ривожлантиради. Ўқитувчилар учун эса веб-квестлар дарс жараёнини янги, замонавий ва интерактив шаклда ташкил этиш имконини беради.

Бундан ташқари, веб-квестларни тузишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълим жараёнини рақамлаштиришга хизмат қиласи. Бу жараён талабаларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, ахборотни саралаш ва танлаш қобилиятини ривожлантиришда муҳим



аҳамият касб этади. Замонавий таълим тизимида веб-квестлар воситасида маданиятлараво мулоқот компетенциясини шакллантириш нафақат хорижий тил ўқитувчилари, балки барча фан ва соҳа мутахассислари учун долзарб вазифалардан биридир.

Хулоса

Веб-квест технологиялари замонавий таълим жараёнида маданиятлараво коммуникация компетенциясини шакллантиришнинг самарали усули ҳисобланади. Уларни таълим жараёнига мослаштириб қўллаш талабаларни нафақат тил, балки маданий билиш қобилиятига ҳам эга этиб, уларни глобал фуқаро сифатида шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Dodge, B. (1995). WebQuests: A technique for Internet-based learning.
2. Tomalin, B., & Stempleski, S. (1993). Cultural Awareness. Oxford University Press.
3. Артемьева, Г. С. (2020). Использование Web-квестов в обучении иностранным языкам.
4. Каюмова, З. И. (2019). Маданиятлараво компетенцияни ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни.
5. Johnson, D. W., & Johnson, R. T. (1994). Learning Together and Alone: Cooperative, Competitive, and Individualistic Learning.Кириш